



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 36 (671)
2019 йил
20 сентябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

Қўл сеҳридан яралган ноёб санъат



Аҳоли мурожаатлари



Минг эшитгандан кўра, бир кўрган маъкул қабил-да дарё томон йўл олдик. Кўчаларга шағал ётқизилган. Хайратимизни кўрган хамроҳимиз изоҳ берди. Айтишича, чанг-тўзондан зада бўлган худуд аҳолиси пул йиғиб, ҳар икки йилда бир марта кўчага шағал тўқаркан.

Чирчиқ дарёси соҳили аввалги ҳолига қайтадимми?



Фақат кучлилар
кечира олади



«Кўп қаватли
Америка»



Хушёр бўлинг,
пиёда!



30 минг сўм
ортидаги жиноят

ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!

Эски намунадаги танга ва банкнотлар муомаладан чиқарилади. Бу орқали 25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматдаги тангалар ва банкнотларни муомаладан қайтариб олиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақиллик байрами муносабати билан 65 нафар маҳкумга нисбатан афв эълон қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Фармонга биноан 17 нафар шахнинг жазоси тўлиқ бекор қилинди, 13 киши жазони ўташдан шартли равишда озод этилди. 20 нафар шахнинг жазоси енгилроғига алмаштирилди, 14 кишининг озодликдан маҳрум этиш тарзидagi жазо муддати қисқартирилди, 1 киши эса озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасидан озод этилди.

Афв этилганларнинг 39 нафари тақиқланган ташкилотлардаги фаолияти учун жавобгарликка тортилган эди.

1 нафари 60 ёшдан ошган шахс бўлиб, 4 нафари аёллар.

Мамлакатимизда эълон қилинган янги ислохотлар даврида бу биринчи ва ягона афв ва амнистия эмас. Аввал ҳам бир неча марта бундай меҳр-шафқат актлари эълон қилинди. Қолаверса, мамлакатда амр этилган бағрикенглик сиёсати тўғрисида хориждан хато йўлга кирган қанча ватандошларимизнинг юртва қайтишларига изн берилди.

Афв ва амнистия нимаси билан фарқланади?

Мустақилликка эришган кунимиздан то шу бугунгача ўттиздан зиёд амнистия эълон қилинган бўлса, афв бор-йўғи беш марта эълон қилинган. Афв ва амнистия институтлари азаллий миллий қадриятларимизга мос. Негак тинч, аҳил, меҳрли, кечиримли яшаш халқимизга хос фазилат.

Қонунни бузган, бироқ ўз қилмиши ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига ўтганини қатъиятлик билан намоян қилган шахсларга жамият ва ўз оиласи даврасига қайтиш имкони берилиши ўзбек халқининг кечиримчилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азаллий қадриятларининг рўёбга чиқарилиши ҳисобланади.

Амнистия ва афвнинг мақсади битта — меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб жиноят содир этган шахсни кечириб ва уни жазодан бутунлай ёки қисман озод қилиш.

Шу билан бирга бу икки тушунча бир-бириндан фарқланади.

Афв — бу муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотлар (ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволини) инобатга олиб жазодан озод қилиш ҳисобланади. Амнистия эса аниқ шахсларга эмас, умумий тоифаларга эълон қилинади. Масалан, 18 ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ёки ижтимоий ҳаффи қатта бўлмаган жиноятларни содир этганларга амнистия акти қўлланилади. Бунда амнистияга неча киши тушиши, кимлар тушиши олдиндан аниқ бўлмайди. Афв ҳужжатига эса кимларга қўлланилаётгани номма-ном ёзилади.

Афв фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади. Амнистия эса жиноят процессининг исалган босқичида — дастлабки тергов, суриштирув, терговга қалар текширув ва ҳаттоки жиноят ишини қўзғатишгача бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин. Бошқача айтганда, амнистиянинг афв этишдан фарқи хусусияти шундаки, амнистия кенг мазмунга эга бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан ҳам, жиноий жазодан ҳам озод қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, афв фақат Президент томонидан эълон қилинади. Амнистия акти эса Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинади.

Амнистия актларини қўллаш масаласи

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан қўриб чиқилади. 2008 йилдан бошлаб, амнистия актини қўллашга оид якуний қарорни фақат судлар чиқариши белгиланган бўлиб, афвни қўллаш масаласини эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

Амнистия акти чиққандан кейин, уни кимларга қўллаш масаласини ҳал қилиш узоққа чўзилади ва қўллаб ташкилий жараёни ўз ичига олади. Аммо афвни қўллаш эса кўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол

озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа ўталмаган жазони нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштирилади; судланганлик олиб ташланади.

Амнистия акти эълон қилинишига жиноят содир этган шахслар ҳеч қандай қўриқини таъсир ўткази олмайдди. Бу ҳуқуқнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, вазият тақозо этганда бир йил ичида бир неча марта эълон қилиниши ёки эълон қилинмаслиги ҳам мумкин.

Афвни қўллаш учун эса одатда жиноят содир этган шахслар ҳукумат қарорига бевосита таъсир ўтказилади. Яъни афвни қўллаш ёки қўлламаслик масаласи уларнинг ташаббуси билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади.

Амнистия ва афв ўртасида яна бир мўъжаз, аммо муҳим фарқ — бу шахсий омилининг таъсирида қўриқини. Зеро, афвни қўллашда маҳкумнинг қилмишига чин қўнғилдан пушаймонлигига, маҳкумнинг шахсини тавсифловчи маълумотларга, унинг ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи (қарамоғида вояга етмаган фарзандлар, меҳнатга қобилиятсиз эр (хотин) ва (ёки) кекса ёшлиги ота-онаси мавжудлиги)га эътибор қаратилади.

Амнистия актига эса ҳар доим ҳам бундай омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, амнистияда 60 ёшдан ошган кексалар жазодан озод

этилиши ҳақида қоида бўлса, бу барча кексаларга бирдек қўлланилади. Улар орасида қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлмагани бўлса

ҳам, амнистия акти асосида озодликка чиқарилади. Ёки бундай ҳолда уларнинг оилавий аҳволини ўрганишга ҳам эҳтиёж йўқ.

Ҳуқуқшунослик қоидаларига қўра, амнистия норматив акт ҳисобланади, афв эса бундай эмас. Чунки амнистия ҳуқуқ нормасининг туғилишига сабаб бўлади, афв эса ҳуқуқни қўллаш характеридаги акт ҳолос. Шунингдек, афв аниқ шахсга йўналтирилгани сабабли янги қоида ярамайди, ўзга шахсларга таъсир қилмайди, қонунчиликдаги тартибларга ўзгариш киритмайди. Шунга қўра афв норматив акт сифатида баҳоланмайди.

Афвнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» фармони ва у билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга оши-

риш тартиби тўғрисида»ги Низом маҳкум жараёни тартибга солиди

Ушбу Низом афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш, расмийлаштириш ва қўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Афв этиш маҳкумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ҳар суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик акти ҳисобланади. Афв этиш муайян маҳкумга нисбатан индивидуал тартибда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва у томонидан жиноят содир этганлик фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонини қабул қилиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ихтиёрига қўра, исалган маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин. Афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Янги ислохотлар даври инсонпарварлик актлари

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан кейинги илк амнистия Ўзбекистон Конституцияси 24 йиллиги муносабати билан қабул қилинган қарор эди. Унга биноан, аёллар, жиноятни содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, I ёки II гуруҳ ногиронлари, жумладан, сил касаллигининг фаол шаклига чалинган деб эътироф этилган шахслар ҳамда чет эл фуқаролари жазодан озод қилиниши қўзда тутилган.

Хулоса

Амнистия ва афв давлатга судлов одил, адолат устувор бўлгандагина ўзининг мақсадларига эриша олади.

Бу юк ватанпарвар Махатма Ганди: «Майда, зайф кимсалар кечки бўлади, кечира олмайдилар. Фақат кучли инсонларгина кечира олади», деганди. Ўзбекистон Президентининг афв этиш борасидаги изчил қарори халқимизга хос бағрикенглик, динимизга мос сила-рахмининг намояни ва давлатимизнинг салоҳиятидан дараклир.

Карим БАҲРИЕВ

Огоҳлик

Эслатмани эсда тутинг!

Хонадонларда, қайта таъмирланаётган ва янги қурилатган тураржой биноларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қаттиқ риоя этиш ҳаёт учун ҳар жиҳатдан фойдалан, шу билан бирга зарурдир.

- Ёнгин содир бўлмаслиги учун ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирманг, уларга иситиш мосламаларидан фойдаланишларига асло йўл қўйманг.
- Газ ва электр асбобларини ишлатиш қоидаларига қатъий риоя қилинг.
- Очиқ оловдан эҳтиётлик билан фойдаланинг, кўп ёнғинлар айнан эҳтиётсизлик тўғрисида содир бўлишини унутманг.
- Уйдан чиқишдан олдин газ ва электр

ускуналарини (плита, даямол, телевизор ва бошқалар) ўчирилганини эринмасдан текшириб чиқинг.

- Ностандарт ва қўлбола сақлагич (предохранитель)лардан ҳамда вақтинча ўтказилган электр симларидан фойдаланманг.

- Ишлаб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг.

- Ёнгин чиққанда «101» қисқа рақамга қўнғироқ қилишни ёзда тутинг!

Мана шу арзимасдеккина қўриқан қоидалар ҳаётингиз тинч-осойишта ўтишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, «ўт балосидан асра...» дея ота-боларимиз дуо ва тилакларига бежизга таъкидлашманг.

Санжар САИДУРОДОВ,
Сергели тумани ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори лейтенант

Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикаси Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун белгиланган тартибда мамлакатимиз халқаро аэропортлари орқали 7 кундан кўп бўлмаган муддатга визасиз кириш тартиби белгиланди.





Кўқон шаҳрида олис тарих ва бугунги замон нафаси, турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намоён этган, муштарак дилларни бирлаштирган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик байрами — «Халқаро хунармандчилик фестивали» ўтказилди. ЮНЕСКО шаъфелигида илк бор ташкил этилган мазкур фестиваль номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали миллий хунармандчилигимизни кенг намоиш этиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб қилиш, мазкур йўналишда ўзаро тажриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ташкил этилди.

Бунда Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлди.


Фестивалда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд маҳоратли хунармандлар, халқ амалий санъати усталари, мутахассислар, соҳа олимлари, фахрий меҳмонлар, маданият ва санъат, театр соҳаси вакиллари, республикамизнинг эса 153 та туманидан жами 1116 нафар хунармандлар иштирок этди.

Шундай нуфузли санъат байрами меъдонлиги учун Кўқон шаҳрининг танлангани ҳам бежиз эмас. Чунки ушбу шаҳар қадим-қадимдан хунармандчилик ривожланган маданий марказлардан бири бўлган. Бу ерда хунар-



мандчилик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. Устоз шоғирд анъаналари, хунармандларнинг оилавий сулолалари унинг сир-асрорларини ажодлардан авлодларга етаклаб келмоқда. Бугунги кунда ҳам Кўқон шаҳрида хунармандчилик анъаналари изчиллик

Кўл сеҳридан яралган ноёб санъат



«...Оддий қора тупроқдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноёб ва гўзал буюмлар яратиш, таъбир жоиз бўлса, уларга «жону тил» бағишлаш учун хунармандга нафақат машаққатли кўл меҳнати, балки қалб ҳарорати керак. Нозик дид ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбига чексиз меҳр ва садоқат, фидойилик керак.»

Шавкат МИРЗИЁЕВ

билан давом этаётгани бунинг яққол исботидир. Хусусан, ёғоч ўймакорлиги, ҳаттоқлик, чилангарлик, заргарлик, гиламдўзлик, косиблик, тўқувчилик, ҳолвапазлик каби яна кўйлаб хунарлар равнақ топмоқда.

«Жаҳон хунармандчилик шаҳри»

Мазкур юксак унвон Жаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Кўқон шаҳрига берилди. Яъни, Кўқон шаҳри дунё хунармандчилик харитасида ҳам муносиб ва мустақкам ўрин эгаллади. Шу кунгача жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 35 та шаҳар мазкур мақомга сазовор бўлган. Қувонарлиси, Кўқон шаҳри МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб рўйхатга киритилди.

Фестиваль аввалида мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва хорижлик меҳмонлар ўзбекиона удум ва анъаналаримизга мос тарзда карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Ташриф буюрган хунармандларнинг ҳар бири латиф шаҳарга келган кунийк юксак эътибор, меҳр-оқибат, ўзбекиона меҳмондўстликдан мамнун эканликларини изҳор этишди.

— Мен жуда ҳаяжондаман, чунки Ўзбекистон, Кўқон шаҳри жуда кўркам ва бетакрор диёр экан, — дейди Латвиядан ташриф буюрган фестиваль иштирокчиси Solvita Rozes. — Ўзбек халқининг бағрикенг, меҳрибон, самимий эканини эшитгандим. Мана бугун бунга ўзим гувоҳ бўлиб турибман. Айниқса, биз каби хунармандларни қадрлаб, нуфузли анжуманга таклиф этгани учун раҳмат! Мен ҳам бу фестивалга кўл меҳнатим орқали тайёрлаган маҳсулотларимни олиб келдим.

мен жуда ҳаяжондаман, чунки Ўзбекистон, Кўқон шаҳри жуда кўркам ва бетакрор диёр экан, — дейди Латвиядан ташриф буюрган фестиваль иштирокчиси Solvita Rozes. — Ўзбек халқининг бағрикенг, меҳрибон, самимий эканини эшитгандим. Мана бугун бунга ўзим гувоҳ бўлиб турибман. Айниқса, биз каби хунармандларни қадрлаб, нуфузли анжуманга таклиф этгани учун раҳмат! Мен ҳам бу фестивалга кўл меҳнатим орқали тайёрлаган маҳсулотларимни олиб келдим.

Иштирокчилар ҳайратини оширган сўзана

12 сентябрь кuni эрта тонгдан тарихий ва замонавий қиёфага кирган

Хўқанди латиф меҳмонларни ўз бағрига чорлади. Карнай-сурнай садолари ила хунармандлар, кенг аҳоли вакиллари, хорижлик меҳмонлар, юртдошларимиз шаҳарнинг марказий кўчалари буйлаб ўтиб, жаҳон хунармандлари тўпланган муаззам, қадимий маскан — Ўрда майдонига кириб боришди. Республикаимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва хориждан келган хунармандлар учун ажратилган павильонлар, хунармандларнинг миллий маҳсулотлари билан ўзгача жозибага кирди.

Бухоролик зардўзлар, сурхондарёлик миллий либос яратувчилари, риштонлик кулоллар, Кўқонлик дўппидўзлар, косиблар, нанманглик пичоқчилар, хоразмлик кўғирчоқбоз усталар, қашқадарёлик гиламдўзлар хориждан келган ва кўл меҳнати орқали хунармандчиликнинг ёрқин намуналарини яратган уста хунармандларнинг ранг-баранг кўрғазмалари барчанинг кайфиятига кўтаринкилик, кўнгилларга сурур бахш эта олди.

Айниқса, сурхондарёлик хунармандлар томонидан кўл меҳнати ёрдамида тайёрланган 25 метрлик сўзана фестиваль қатнашчиларининг ҳайратини оширди. Бу худуднинг миллий қадриятлари сирасига урчуқ йигириш, пахта саваш анъаналари кўрғазмада кўрсатиб берилди. 60 дан ошган нуроний онахонлар ўлану лапарлар айтиб, урчуғ йигириб, айтишувлар айтиб, дилга завку

қувонч улашди. Бахши боболар дўм-бираларида қадим дostonлар куйлаб, чанқовуз чалиб байрамга янада ўзгача жозиба бахш этди.

— Шаҳримизда шундай катта фестиваль ташкил этилганидан жуда қувондик, — дейди бағдодлик ўқтамой Мамадалиева. — Хунармандлар яратган маҳсулотлар бир-бирдан гўзал, такрорланмас. Айниқса, Франция, Корея, Америка, Белгия, Туркия ва фаластинлик хунармандларнинг иши менда катта таассурот қолдирди. Улар билан ўзаро тажриба алмашидик. Келажакда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга келишиб олдик.

Фестиваль доирасида «Kokand fashion» модалар ҳафталигининг ташкил этилганини ёш дизайнерлар учун том маънода маҳорат дарси бўла олди.

Ташрифдан баҳраманд диллар

14 сентябрь кuni эса Кўқон янада ўзгача жозибага кирди. Шу кuni оқшомда нуфузли фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев очиб, фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларни анжуман билан муборакбод этди. Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизнинг барча худудларида амалга оширилаётган ислохотлар, эзгу ва улугвор ишлар, бунёдкорлик ва ободончилик борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб, Кўқон шаҳрида ўтказилаётган фестивалнинг аҳамияти хусусида сўз юритди.

Очилиш маросими бўлиб ўтаётган



вақтда саҳнанинг бир четида кўқонлик халқ устаси Муҳаммадали Юнусов ва унинг шоғирдлари томонидан ёғоч ўймакорлик намунаси асосида миллий айвоннинг қурилиши қутилмаган саҳна кўриниши бўлди. Бу айвонни уста хунармандлар бир соат давомида ўрнатиб бўлди. Бу эса Кўқон шаҳрига «Жаҳон хунармандчилик шаҳри» мақомининг бежизга берилмаганининг исботи бўлди.

Тантанали маросимда Кўқон осмони узра порлаган жилвакор мушаклар дилларга қувонч, қалбларга шодлик бағишлайди. Тантанали маросимдан сўнг Президентимиз халқаро хунармандлар кўрғазмасида намоиш этилаётган кўрғазмалар, хунармандларнинг ишлари билан танишиш ҳамда иштирокчилар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ушбу фестиваль нафақат кўп миллатли ватандошларимиз, балки бутун жаҳон хунармандларининг ҳам байрамидир. Зеро, фестиваль кўламининг кенглиги унинг жаҳон халқлари маданиятларини боғловчи муҳим кўприк бўлишидан далolat.

Рустам МАМАЖОНОВ,
«Жамият» мухбири




Хакимов Рахим Расулжонович Президент қарорига мувофиқ адлия вазирининг ўринбосари – Тошкент давлат юридик университети ректори этиб тайинланди.



— Бир пайтлар худудимизга, уйимизга келганлар ҳавас қилиб кетарди, — дейди Чирчиқ шаҳар Регная кўчаси 58 уйда яшовчи Игор Куданов. — Чирчиқ дарёси ёқасида жойлашган далаҳовлимизга келаверишдаги кўчанинг манзараси меҳмонларнинг ҳайратига сабаб бўларди. Дарахтзорлар, тоза-озода, атрофи кўкаламзор кўчалар... Энди ўша вақтларни эслаб, энтикиб қўямиз, холос. Келадиганларга йўлни тушунтиришимиз ҳам “осон” бўлиб қолди: — тўғрига 50-60 метр ўт босиб ётган фермерни еридан ўтасиз, кейин катта ахлатхона келади, шундан чапроқда ташландиқ далаҳовли, озгина юрсангиз 4 та оқ қайин бор, шу ер бизнинг ҳовли...

Худудни кўздан кечириш чоғида ҳаёлимизга бу аҳволга келиб қолишига одамларнинг ўзлари сабабчи эмасмикин деган савол келди. Сўрадик ҳам. Айтишларича, бундан 3 йилча аввал маиший чиқиндиларни ортиб келадиган «Зил» машинасини тўхтатиб, чиқиндиларни нима сабабдан бу ерга тўкиб кетаётганини сўраганда ҳайдовчи ёқасидан ушлаб, ўдағайлаган, чурқ этса, уй-пуйи билан ёқиб юборишини айтиб, пўписса қилган экан. Бундай ҳақоратларни бир неча марта эшитгандан кейин кўрқиб қолгани, очиги, уларни эшитадиган одам бўлмаганини таъкидлади.

— Сельмаш кўчаси 7-уйда яшайман, — дейди Рустам Султонхўжаев. — Чирчиқ дарёсининг икки қирғоқ ораси бунчалик кенг эмасди. Тадбиркорлик баҳонасида дарё соҳилларидаги қумлар ташиб кетиляпти. Натижада дарё кенгайиб, саёзлашиб, экология бузилди. Юк машиналари қатнови кўплигидан



чанг-тўзон оқибатида маҳалладагилар ҳовлисида ўтиролмайд қолди. Қисқаси, бир томондан қум олиб кетилса, иккинчи томондан дарё ахлатхонага айланиб бормоқда. Бутун ёз кунимиз ҳайдовчиларга ахлат тўкмаслигини айтиш ёки уйимизнинг чангини артиш билан

ўтляпти. Муурожаатлар эса самарасиз қолмоқда.

— Маиший ва қурилиш чиқиндиларини-ку тўхтатиб бўлмаёпти, — дейди шу ерлик Нодир Тўлаганов. — Лекин ҳаром қотган товук, туяқуш, қўй, моллар, ҳаттоки, ит, мушукларнинг ўлиги ҳам ташлаб кетилади. Август ойида 5 та ҳаром ўлган қўйни ташлаб кетишибди. Бундан тарқалаётган ноҳуш ҳидни мен таърифлаб бера олмайман. Одамларга етаётган зарарни-ку инчунун. Бир неча бор шаҳар ДСЭНМга муурожаат қилдик. Натижа йўқ, Атроф-муҳит ва одамлар саломатлиги ҳеч кимни қизиқтирмаёпти.

1987 йилда ишхона томонидан 4 сотих ер майдони ажратиб берилган Светлана Сидашёвнинг айтишича, 30 йил илгари бу ерларнинг об-ҳавоси Зомин, Чимён тоғлариникидек мусаффо бўлган. 20 га яқин шифобахш булоқлар бўлиб, қўшни туман, шаҳар, кесрак бўлса, вилоятлардан одамлар келиб, шу булоқлардан даво топишган. Кейинчалик турли йўллари билан ерлар ўзлаштирилиб, булоқлар ҳовлиларда қолиб кетган. Одамлар ҳам келмай қўйган. Маълум бўлишича, аини пайтда 4 ёки 5 та булоқ қолган, аммо уларнинг қаердалиги номаълум.

— Ширкатда 350 далаҳовли (участка) мавжуд, — дейди ширкат раиси Д.Александр. — Шундан 80 та оила доимий яшайдиганлар. Худудимизнинг ўзига хос флораси бўлгани сабабли қўшни туман фуқаролари ҳам ҳордиқ чиқариш учун далаҳовлилар барпо этишган. Фойдали гиёҳлар, сайроқи қушлар, балиқлар, бир-биридан чиroyли қўллар, бошқа ўлкалардан учиб келадиган қушлар меҳмонларни ўзига жалб этарди. Бутун саробга ай-

Чирчиқ дарёси соҳили аввалги ҳолига қайтадимми?

ланди. Шундай жаннатмонанд маскан шаҳар ахлатхонасига айлантирилди...

Минг эшитгандан кўра, бир кўрган маъқул қабилида дарё томон йўл олдик. Кўчаларга шағал ётқизилган. Ҳайратимизни кўрган ҳамроҳимиз изоҳ берди. Айтишича, чанг-тўзондан зада бўлган худуд аҳолиси пул йиғиб, ҳар икки йилда бир марта кўчага шағал тўкаркан. Юк машиналари қатнови ҳисобига яна ўша

билан бизларни обдон тинглади. Ва бу муаммолардан ҳеч қандай хабари бўлмаганини билдирди. Шу заҳоти гўшакни олиб, қўнғироқ қилди. Масалани тез кунда ўрганиб, қонунбузарларга чора кўриш бўйича топшириқлар берди. Биз маҳаллага қайтдик. Яна қум ортаётган машинага дуч келдик. И.Мамадиёровга хабар бердик. Шамшод Шоисматов деган вакил етиб келди. Машина рақами кўринмаётгани, қолаверса, нариги қирғоқ Бўстонлик туманига қарашли эканини айтди. Ана холос!..

Маҳаллий аҳоли нимани хоҳлайди? Улар худудга маҳалла мақоми берилишини, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар бу ерга ҳам кириб келишини, лоқайд раҳбарлар ҳушёр бўлишини, депутатлар бу ердан ҳам келиб хабар олишини истайди холос.

— Бизга аини пайтда мана шу чиқиндиларни текислашга ёрдам беришса бўлди, — дейди худуд аҳолиси. — Давлатдан бошқа ёрдам сўрамаймиш. Шу жойда фарзандларимиз учун ўйин майдончалари, дам олиш масканлари, сайлтоҳлар яратиб, обод қилишни режалаштирдик. Бунинг учун «Йўл харита-



аҳволга келиб қолавераркан.

Ўзимиз кўриб, амин бўлдики, бу ердаги аҳвол одамлар таърифлагандан ҳам баттароқ. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Чирчиқ шаҳар инспекцияси бошлиғи Исмаилла Мамадиёров қабулига бордик. Биз билан келганларни таниб, «ҳа, яна чиқиндиларингми?», деди. Биз эса масалага ойдинлик киритиш мақсадида келганимиз сабабини маълум қилдик.

— Бир неча йилдан бери аҳвол шу, — дейди И.Мамадиёров. — «Фахрий барака сервис» билан чиқиб, муаммоларни ўргандик. Барча тегишли ташкилотларга ёзма ва телефон орқали муурожаат қилдик. Ўзимизнинг кучимиз етмаёпти. Ҳатто, шаҳар ҳокимига ёзма муурожаат қилдик. Муурожаатда ахлат ташийётган машиналарнинг рақамларига-ча кўрсатиб ўтдик. Натижа чиқмаёпти. Улар яна ўз биланларидан қолмаёпти. Ҳеч ким мушугини пишт деёлмайди.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, 10 сентябрь куни 4 киши ҳокимнинг қабулига кирдик. Қаҳрамон Рашитов босиқлик



си» ҳам ишлаб чиқдик. Мақсадимиз, дарё соҳилини аввалгидек бетакор масканга айлантириш. Фақат бу йўлда бизга халлақит беришмаса, бас. Муурожаатлардан чарчадик...

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Даврон АҲМАД,
«Жамият» мухбири

30 минг сўм ортидаги жиноят

«Аср вабоси» деб ном олган гиёҳвандлик ва унинг савдоси билан шуғулланиш ўта хатарли. Бундай жирканч ҳолатлар жамиятнинг эртасини ҳам хавф остида қолдириши эҳтимолдан йироқ эмас. Ахир, оғу инсон жисмини қанчалик хароб қилса, шахс ва жамиятнинг мол-мулки, бойлигига ҳам мислсиз даражада зарар еткази. Тинч-тотув яшайётган оилаларни бузади, болаларни тирик етим қилади, муҳтожлик, қашшоқликда яшашга, ўғирликка, жиноятга мажбурлайди. Якуни эса касаллик, ўлим ёки жиноий жазога маҳкум бўлишдир.

Тошкент вилоятида яшовчи Жамол Турсунов (исм-шарфлар ўзгартирилган) ва Бекмирза Пўлатов ҳам гиёҳвандлик савдоси билан шуғуллангани боис, охир-оқибат суднинг қора курсисидан қилмишига яраша жавоб берди.

Жорий йилнинг 26 июнь куни Жамол Турсунов Сергели мавзосида жойлашган хонадонларнинг бирида устачилик қилаётганида таниши Бекмирза Пўлатов кўнғироқ қилади. Унга ёввойи наша кўп

ўсадиган тўқайзорларнинг манзиллини берали ва қовурилган наша олиб келишини айтиди. Шу кунги Жамол Бекмирза айтган тўқайзорга борди. Ўша ернинг ўзида нашани ёғда қовуриб, тайёрлайди. Аралашмани 3 та алоҳида пакетчаларга жойлаштириб, ҳеч нарса бўлмагандек иш жойига қайтади. Шу кунги кечга яқин икки ҳамтовоқ Жанубий вокзалда учрашди. Б.Пўлатов Ж.Турсуновга нашанинг бир ўрамини 30 000 сўмга сотаётган



пайтда ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари томонидан қўлга олинди. Шахсий тинтув ўтказилганда Б.Пўлатов ҳақиқатдан ҳам 3 донна пакетга солинган наша ва ёғ аралашмасидан биттасини ҳамтововоғига бергани, 2 доннасини ўзи истеъмоли учун олиб қолгани аниқланди.

Жиноят қандай бўлишдан қатъий назар унга жазо муқаррар. Жиноятчи қилмишига яраша қонун олдига жавоб бериши шарт. Хусусан, Б.Пўлатовга узил-кесил ўташ учун ойлик иш ҳақидан

20 фоиз давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 4 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланди. Ж.Турсуновга эса 2 йил муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди. Мазкур жазони ўзи истиқомат қилаётган уйда соат 21:00 дан 7:00 га қадар ўташи белгиланди. Шунингдек, унга қатор чекловлар ҳам қўйилди.

Вақтинчалик ҳузур-ҳаловатни деб, жиноятчининг яқинлари, фарзандлари ҳам виждон азобига маҳкум. Улар айбни ўзларидан излашади. Шу боис жиноят содир этишдан аввал киши ўзидан кўра, ўзгаларни, яқин инсонларини кўпроқ ўйласа, боши берк кўчага кириб қолмайди. Умри афсус-надоматга ўтмайди.

Темур КАСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яккасарой тумани суди судьяси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Чироқчи» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисидаги фармони қабул қилинди.

«Биз Америкага борамиз!» Эсингиздами? Машхур «Титаник» фильмининг бош қаҳрамони ана шундай қувончли хайқариқ билан олис сафарга отланганди. Умуман олганда, Америка дунёнинг ҳар бир нуқтасида яшовчи инсонларни ўзи-га торта оладиган жозибали диёр. Унинг сир-синоати, куч-қудрати, таровати ҳақида сўзлаган билан сўз тугамайди. Хуллас, минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Биз ҳам ўз кўзимиз билан кўрганларимиз мисолида ишонч ҳосил қилдик.

Салом, Вашингтон!

Тошкент билан Вашингтон орасидаги масофа 10 минг чақиримдан кўпроқ. Транзит рейслар билан училганида ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Хуеусан, Тошкент — Алматы — Франкфурт — Вашингтон йўналишида бу масофа камиди бир ярим баравар ортади.

Хуллас, учта аэропортдаги кутиб вақтларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 38 соат деганда Америка пойтахтига етиб бориш мумкин. (Албатта, парвозлар оралиғидаги вақт ҳар гал турлича бўлишини унутмаслик керак).

Вашингтон-Даллес аэропорти мамлакат пойтахтини ташқи олам билан боғловчи асосий дарвозалардан бири. АҚШнинг собиқ Президент Дуайт Эйзенхауэр ҳукумати давридаги давлат котиби Жон Фостер Даллес номи билан аталадиган ушбу аэропорти 80 та маҳаллий, қирққа яқин хорижий йўнашилларга хизмат кўрсатади. Йўловчилар оқими нўҳоятда катта бўлгани учун паспорт назоратидан ўтиш анча вақтини олади. Тасмалар оралаб турнақтор саф тортган йўловчилар орасида турли ирқ ва миллатта мансуб минглаб қиёфаларни учратасиз.

Виржиния штатида жойлашган ушбу аэропортдан то Вашингтон марказига қадар 48 чақирим йўл босишга тўри келади. Йўллар раvon, машиналар тирбанд бўлса-да, тартибсизлик йўқ, асабий сигналлар эшитилмайди. Йўл белгиларининг шакл шамойили бирмунча фарқ қилса-да, бир қарашда тушунса бўлади. Масалан, «Speed limit 45 miles» белгиси соатига 45 мил (72 километр)гача йўл босиш мумкинлигини билдиради.

Шаҳарга кириб бораркансиз, йўл четидаги ям-яшил манзаралар, қалин дархазторлар кўз-

«КўП ҚАВАТЛИ АМЕРИКА»

ёҳуд «сеҳрли диёр» пойтахтида кечган унутилмас лаҳзалар



га ташланади. Ниҳоят, узокдан шаҳарнинг осмонўпар бинолари буй кўрсатади. Мана, асов Поттомак дарёси устида қурилган Лонг-Бридж кўприги ҳам ортла қолди.

Вашингтон! Қудратли давлатнинг муҳташам пойтахти! Шаҳарнинг расмий номи District of Columbia, яъни Колумбия округи. Кўпчилик Вашингтон шаҳрини АҚШнинг шимолий ғарбий қисмида жойлашган Вашингтон штати билан адаштириб қўймаслик учун қисқача Washington D.C. («Вашингтон ди-си») деб ҳам аташади. Шаҳар 1791 йилда ташкил этилган ва АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон шарафига шундай ном олган.

Кўпчиликни шаҳар номининг ўзиёқ ваҳимага солалади ва унинг нуфуси жуда кўп бўлса керак, деб ўйлайди. Ундай эмас. Шаҳарнинг доимий аҳолиси 600 минг киши атрофида (2010 йил). Аммо агломерация (яқин атрофдаги аҳоли пунктларини қўшиб ҳисоблаганда. 5 миллион кишидан ошади. Ҳолбуки, Нью-Йорк, Чикаго, Лос Анжелес, Сакраменто, Феникс сингари шаҳарларда аҳоли сони Вашингтондагидан анча кўп. Шу боис шаҳарда тураржойларга қараганда маъмурий бинолар, боелар, ёдгорликлар, савло мажмуалари, кўнгилочар масканлар, меҳмонхоналар кўпроқ.

«Оқ уй» олдида...

Бир гуруҳ ўзбекистонлик журналистларнинг «сеҳрли диёр»га ташрифи табиийки, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишилдан бошланди. «Оқ уй» наинки Вашингтон ёки АҚШ, балки дунё сиёсатининг энг йирик марказларидан бири. Ушбу бетакорр бино қурилган 1800-йилдан бери унда Жон Адамсдан то Трампга қадар ўнлаб давлат раҳбарлари яшаб, фаолият кўрсатган. Ҳар куни минглаб сайёҳлар келиб, бу сиёсий бинони ўз кўзлари билан кўриб, қўздан кечириб, унинг фониди суратга тушиб қайтади.

«Оқ уй»нинг бевосита ичига кириб томоша қилишни ким истамайди? Аммо таъмир ишлари кетаётгани учунми, бу тарихий бинони Оқ уйнинг орқасидан ўтувчи Пенсильвания авенюси томонидан кўришга муваффақ бўлидик.

Ушбу кўчанинг нариги тарафдаги хиёбон эртаю кеч одамлар билан гавжум. Кимдир ўзини расмга тушириш билан

овора. Қайсидир тинчликпарвар ташкилот аъзолари ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида ўтган-кетганлардан имзо тўплашга ошиқади. Кўчанинг нариги тарафида, «Оқ уй»нинг шундоқ орқасидаги майдонда яна қандайдир гуруҳ аъзолари митинг ўтказмоқда. Гуруҳ раҳбари овозкучайтиргичда нималарнидир уқтириб, бақиради. Бошқалар унга жўр бўлади. Бир-икки нафар полициячи четдан манзарани хотиржам ва лоқайд кузатыпти...

Хиёбондаги озодлик, тароват, яшиллик кўзни қувонтиради. Катталар билан бирга келган кичкинтойлар ўтлоқ бўйлаб чопчи юрган олмахонларни қувлаш билан овора. Хиёбон номи Америка инқилобининг (1783 йил) фаол иштирокчиси, француз армияси генерал-майори Жильбер де Лафайетт (1752-1834) номи билан аталади. Шу боис бу ерда 1890 йилда француз хайкалтароши Александр Флагьер томонидан мазкур ёдгорлик тикланган.

Хиёбонда, Лафайетт хайкалидан 20 метрча нарида яна бир француз ҳарбийси, Америка инқилоби иштирокчиси генерал Рошамбо (1725-1807) хайкали қад ростлаган. Бу ўринда ушбу ҳарбийлар таржимаи ҳолини ёзиб, вақтингизни олмоқчи эмасман. Ҳар қалай бу икки француз ҳарбийси Франция ва Америка учун бу қадар катта хизмат қилмаганида, Вашингтон марказида, «Оқ уй» қарши-сида уларнинг хайкалига ўрин берилмас эди.

Линкольнга эҳтиром ифодаси

Вашингтон Марказидаги Миллий хиёбондан ўрин олган тарихий обидаларлардан бири АҚШнинг 16-Президенти Авраам Линкольн ёдгорлиғидир. Янги юнон услубида барпо этилган иморат 1914-1922 йилларда қурилган. Ошпоқ мрамрдан, архитектор Генри Бэкон лойиҳаси асосида ишланган бу иншоот Американинг энг кўп зиёрат қилинадиган ёдгорликларидан бири бўлиб қадридан ўрин олган. Бу ерга ҳар йили 6 миллиондан ортиқ маҳаллий ва хорижий туристлар келиб кетади.

Бинога кириш учун ўнлаб мрамар зиналардан юқорига кўтарилишга тўри келади. Ич-қариға киришингиз билан Сизнинг курси устида савлат тўкиби ўтирган буюк сиёсатчининг сал-

кам олти метрлик баҳайбат хайкали қарши олади.

Хайкал тепасида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Авраам Линкольн хотираси унинг мамлакат бирлигини асраб қолганига ишонч билдирган одамлар қалбида ва ушбу меъморий обида бағрида абадий сақланади». Очиги, ўзим ҳам шу пайтга қадар бу иншоотни Линкольн мақбараси бўлса керак, деб юрардим. Ундай эмас экан.

Тарихдан маълумки, Авраам Линкольн АҚШни 1861-1865 йиллар давомида бошқарган, у бошқаруви давомида ўз ватанини фуқаролар уруши гирдобидан олиб чиқишни урдалаган, кулликни расман бекор қилган, Европа мамлакатлари билан алоқаларни яхшилашга ҳаракат қилган эди. У Америкада шимол ва жануб низолирида шимолликларнинг манфаатларини ҳимоя қилган, бу эса жанубда унга нисбатан норозилик тўлқинини келтириб чиқарган.

Шу боис, 1865 йил 14 апрель куни Форд театрида «Менинг америкалик қариндошим» спектакли тақдиротида жанубликлар тарафдори бўлган актёр Жон Уилкс Бут Президент ўтирган ложага югуриб кириди ва уни отиб ташлади. Линкольннинг жасади Спрингфилддаги Оук-Ридж қабристонига дафн қилинди...

«Уруш, номинг ўчсин жаҳонда!»

«Оқ уй»дан унча узоқ бўлмаган ҳудудда Вьетнам уруши иштирокчилари учун махсус меъморий ёдгорлик ўрнатилган. Мазкур ёдгорликда бир неча метр узунликдаги Вьетнам уруши қурбонлари ва унда беларак йўқолган америкалик аскарлар номи битилган қора мрамар девор икки томондан пастга қараб кенгайиб боради.

Вьетнам уруши XX асрдаги энг йирик ва қонли фожиаларидан бири саналади. Маълумки, АҚШ 1965-1973 йилларда Вьетнамда давом этаётган партизанлар урушида иштирок этади. Ушбу машғум уруш натижасида Қўшма Штатлардан 58 мингдан ортиқ инсон қурбон бўлган. 1700 нафардан ортиқ киши бедарак йўқолган. Вьетнам эса, бу урушда 250 минг нафар аскардан айрилган, тинч аҳоли вакиллари орасидан қурбон бўлганлар сони ҳануз аниқланмаган.

1979 йилда Америкада Вьетнам уруши қурбонларини хо-

тирлаш фонди ташкил этилди. Уларга атаб ёдгорлик тиклаш мақсадида аҳоли ва турли нодавлат ташкилотларидан 8 миллион доллардан ортиқ маблағ тўпланди. 1700 лойиҳа орасидан 21 ёшли хитойлик талаба қиз Майи Линнинг лойиҳаси ғолиб деб топилди. Ёдгорлик 1982 йил ноябрда расман очилган. Мазкур «қора девор»дан Вьетнам урушида қурбон бўлган 58 256 нафар америкаликнинг исми битилган.

75 метр узунликдаги девор тепадан қараганда қанотини икки томнга кериб турган балиқчи қуш шаклини эслатади. Ёдгорлик пойида сокин ҳаракатланарканмиз, девордаги битикларга термиламиз: Николас Фриц, Ричард Гарлик, Майкл Холлсман, Паул Хайнц... исмларнинг адоғи кўринмайди. Бу ҳарфлар ортида эрта ҳазон бўлган умрлар қиссаси яширин.

Албатта, бу фақат бир томондан берилган қурбонларнинг рўйхати. Иккинчи томон қурбонларининг сони бундан бир неча баробар кўп. Оралаб салкам ярим аср ўтди, қорлар ёғиб, излар босилди. Аммо ҳар икки томондан қаттол урушда ҳалок бўлганларни айбашга ҳаққимиз йўқ. Улар кимларнингдир сиёсий хатолари, жиноятлари сабаб юзага келган қиргинбаротнинг айбисиз қурбони холос.

Албатта, биргина мақола доирасида дунёнинг энг машҳур ва маъмуур шаҳарларидан бири бўлган Вашингтон таассуротларини сиедиритиш қийин. Америка сафарининг бошқа тафсилотлари эса, кейинги мақолаларимиз мавзуси бўлади.

Рустам ЖАББОРОВ,
Тошкент — АҚШ — Тошкент.

P/S

Дарвоқе, сарлавҳа ҳақида... Бундан 80 йилча аввал дунё юзини кўрган, машҳур ёзувчилар Илья Ильф ва Евгений Петровларнинг «Бир қаватли Америка» номли китоби собиқ иттифоқ ҳудудида доврўг таратган, ўша пайтларда совет кишиларининг Америка ҳақидаги тасаввурулари шу китоб орқал шаклланган. Албатта, ўтган 80 йил ичида АҚШ мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Қолаверса, бу китоб айнан коммунистик мафсура нуқтаи назаридан, «чириб бораётган капитализм»нинг «юраги» бўлган Американинг «кўрмисиз» манзараларини фош этишга қаратилган эди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хар бир халқ тарихи, маданияти, турмуш тарзи, миллий анъана ва қадриятларини ўрганиш, уларни тарғиб этиш ва келгуси авлодларга етказишда музейларнинг ўрни бекиёс. Шу жиҳатдан қаралганда, бу муҳим маданият муассасаларини ўтмиш ва келажакни боғловчи ажиб бир халққа қиёслаш мумкин. Юртимиздаги илк музейлар йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларида ташкил этилган. Масалан, мамлакатимиз маркази – Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон халқлари тарихи» музейи 1876 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Унинг Марказий Осиёдаги илк музейлардан эканлиги эса бу ҳудудда соҳага қўшниларга нисбатан анча аввал эътибор қаратилганидан далolat беради.

Ҳайратлар оламига ташриф буюринг!

Ўзбекистон маданияти тарихи Самарқанд давлат музейи ҳам мамлакатимиздаги йирик маънавий манзиллардан бири. Унинг коллекциялари ватанимизнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи ва маданиятига оид энг бой жамланмалардан бири ҳисобланади. Музей коллекциясидаги хунармандчилик ва санъат ашёларининг асосий таркиби Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларидаги бадий маданиятни қамраб олган. Айтиш мумкинки, бугун ана шу ашёлар Самарқанднинг бой ўтмишидан сўзламоқда.

Узоққа бормасдан асримизнинг дастлабки йилларида музейлар билан боғлиқ воқеаларга эътибор қаратайлик: 2001 йилнинг декабрь ойида қадимий шаҳар маркази «Самарқанд маданият чорраҳаси» номинациясида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди. 2004 йилнинг 25 августида Самарқанд шаҳар ҳокимлигига бу ҳақда ЮНЕСКО томонидан махсус сертификат топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун Самарқанд музейларида кўп-кўп кўргазма ва экспозициялар фаолият кўрсатиб келмоқда. «Марказий Осиёда ёзувнинг пайдо бўлиши тарихи», «Ўзбекистон заргарлик буюмлари», «Жонажон диёр», «Самарқанд: кеча ва бугун», «Болалар кийимлари кеча ва бугун», «Болалар соғлом юртнинг келажаги порлоқ бўлади», «Ўзбекистонда қўлолчилик санъати», «Ўзбекистонда металл бадий ишлов бериш санъати», «Ўзбекистон жаҳон маданияти чорраҳасида», «Муствақиллик экспозицияси», «Ранг-тасвир экспозицияси», «Ўзбекистон каштачилиги», «Ўзбекистон гиламчилиги» каби-лар шулар жумласидандир.

Музейлар фондидаги экспонатларнинг сифати бузилмаслиги мақсадида уларга ишлов бериш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, музей кўриқхона таркибидagi музейларда 2180 дона музей ашёлари ва коллекциялари сақланмоқда. Жаҳоннинг кўп-кўп давлатларидан келатган сайёҳлар музейлардаги тарихий ашёларга катта қизиқиш билдиришмоқда. Уларда музей-кўриқхона раҳбарлигида хорижликлар иштирокида кўп-кўп учрашувлар ўтказилапти.

Бу каби тадбирлар маҳаллий сайёҳлар, Самарқанд меҳмонлари ўртасида ҳам ташкил этиляпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тизимида «Музейлар ҳафталиги»ни ўтказиш оdatий тусга кирганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бугун Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меморий ва бадий музей-кўриқхонаси тизимидаги 230 нафар

ҳодимнинг 152 нафари бюджетдан, 78 нафари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатиб келмоқда. Ходимларнинг 82 нафари олий, 42 нафари ўрта-махсус, 106 нафари ўрта маълумотли. Музейшунослик, санъатшунослик ва тарих йўналиш бўйича олий маълумотли мутахассислар сони 59 на-



фарни ташкил этади.

2019 йилнинг биринчи ярмида вилоят давлат музей-кўриқхонаси тизимидаги музейлар ва тарихий обидаларга жами 976 минг 800 нафар томошабинлар ташриф буюрди. Улардан 404 минг 720 нафари катта ёшдагилар, 432 минг 380 нафари талабалар ва 18 ёшгача бўлган болалар, 139 минг 700 нафари хорижий сайёҳлардир. Шунингдек, 136 минг 800 нафар ўқувчи, талабалар ҳамда уларга ҳамроҳлик қилувчилар музей ва тарихий обидаларга бепул ташриф буюрган.

Бу даврда музейлар ва тарихий обидаларда аҳолига 3 миллиард 940 миллион 755 минг 200 сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тасарруфидаги музейлар ва тарихий объектларда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 439 миллион 961 минг 442 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Музейларда жами 236 минг 15 дона ашёлар ҳисобга олинган (Афросиёб музейи археология фондида ўтказилган реставрация натижасида 548 дона фрагментдан 16 дона яхлит ашё ясалган). Бугунги кунда музейда 24 та кирич китоблари, 67 та бирламчи далолатномалар китоби ва инвентар китоблари мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги «Музейларда сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси»га мувофиқ 2019 йилнинг биринчи ярмида Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси фондида сақланаётган музей ашёлари ва коллекцияларидан 8538 дона хатловдан ўтказилди.

Музей экспозициясига берилган ашёлардан 3225 дона қайта хатловдан

ўтказилди. Фонд ишларини юритиш, музей ашёлари ва коллекцияларини сотиб олиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш мақсадида музей-кўриқхона бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бошчилигидаги Фонд харид комиссияси ташкил этилди.

2019 йилнинг 7 июнь кuni Самарқанд шаҳридаги 64 ўғил болалар учун ихтисослашган мактаб-интернат ва вилоят ўлкашунослик музейи билан кўчма кўргазма ташкил этилди. Мазкур музей аслида А.И.Калантаров уйи эканлиги, бу уй рус меъмори Э. Нелли томонидан лойиҳалаштирилиб, 2 қаватли 5 та иморат қурилгани ҳақида маълумот қатнашчиларда қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, бу ерда сақланаётган тўшлар ва 1930-йилда ишлаб чиқарилган трактор ҳамда Чокардиза, Шоҳи Зинда қабристонларидан келтирилган қабр тошлари ҳақида маълумотлар берилди. Тарбияланувчиларга ўлкашунослик музейи тарих зали ва шу залдаги тош даврига тегишли тош қуроқлар (чўпперлар, микролитлар ва терига ишлов берувчи) ҳақида маълумотларга эга бўлишди. Қатнашчиларга

биан ҳар ойнинг биринчи душанба кuni Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида «Маънавият соати» ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, улар билан ҳамкорликда ҳарбий-ватанпарварлик ишлари соҳасида музейларда ва ҳарбий қисмларда 5 та маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

2018 йилдан бошлаб музейларда янгича гоьларни амалга ошириш ишлари янада жашаллашди. 2019 йил «Фаол инвестициялар ва инновацион технологиялар» йили деб эълон қилиниши муносабати билан Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тасарруфидаги музейлар ва тарихий обидаларда ҳам инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Бундай инновацион технологиялар илк бор Амир Темуր мақбарасида илқ этилди. Марказий Осиёдаги илк Smart-музей Самарқанддаги Амир Темури мақбарасида очилди. Унда экспонатлар ҳақида маълумотни аудиогида ёрдамда билиш мумкин бўлади. Айни пайтда у ўзбек, рус, инглиз, француз ва корейс тилларида маълумот тақдим этади.

Қўчма кўргазмалари тадбирда бугунги кунда Каттакўрғон шаҳар тарихи музейи этнография бўлимидаги ойна-халталар, қадимий кашталар, миллий либослар ўша даврнинг мисгарлари томонидан ясалган сув идиш, чой идиш, дастшуй, мис коса, қумгон, ёш ижодкор рассомларнинг ижодий ишларидан намуналар намойиш этилди. Уч тилда, яъни форсий, туркий ва араб тилида маҳорат билан ижод қилган истеъодли шоир, йирик аллома ва мутафаккир олим Сўфи Оллоёрнинг шеърий усул-

да араб графикасида форс-тожик тилида ёзилган асарлари, 363 бетдан иборат «Маслак ул-мутақин» (Тақвоилар маслаги) китоби тадбир қатнашчиларига таништирилди.

Музей соҳасида фаолият юритётган ходимларнинг тажриба ва малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш мақсадида Рассолддин Бехўод номлидаги миллий тарихий ва дизайн институти музейшунослик факультети негизда марказ ташкил этилди. Унга асосан музей раҳбарлари, муҳофизлар, илмий ходимларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш курслари тингловчилари контингенти шакллантирилиб, Маданият вазирлигига тингловчилар рўйхати тақдим этилди.

Май ойи – музейлар ойиғи муносабати билан «Музейлар – бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси» мавзусида барча музей филиалларида давра суҳбатлари ва очиқ дарслар, кўргазмалардан иборат турли хилдаги 18 та тадбирлар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда халқимизнинг ўтмишига, миллий-маданий меросимизга бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларнинг музейларга ташрифини кўпайтириш мақсад қилиб олинган.

Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси ҳамда вилоят Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, улар билан ҳар ойнинг биринчи душанба кuni Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида «Маънавият соати» ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, улар билан ҳамкорликда ҳарбий-ватанпарварлик ишлари соҳасида музейларда ва ҳарбий қисмларда 5 та маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

2018 йилдан бошлаб музейларда янгича гоьларни амалга ошириш ишлари янада жашаллашди. 2019 йил «Фаол инвестициялар ва инновацион технологиялар» йили деб эълон қилиниши муносабати билан Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тасарруфидаги музейлар ва тарихий обидаларда ҳам инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Бундай инновацион технологиялар илк бор Амир Темури мақбарасида илқ этилди. Марказий Осиёдаги илк Smart-музей Самарқанддаги Амир Темури мақбарасида очилди. Унда экспонатлар ҳақида маълумотни аудиогида ёрдамда билиш мумкин бўлади. Айни пайтда у ўзбек, рус, инглиз, француз ва корейс тилларида маълумот тақдим этади.

Илҳом ҲАКИМОВ,
Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меморий ва бадий музей-кўриқхонаси бош директори вазифасини бажарувчи



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақидаги Қонунни имзолади.

Ва ниҳоят!..

Туни билан кўп қаватли уйлардаги чироқларнинг милтиллаши-ю, борган сари узоқлашиб кетаётган юлдузларнинг жиявасини кўзлари катта-катта деразадан томоша қилиб ётдим. Ҳар замон аэропортдан кўтарилган самолётнинг овози оламини тутайди, аммо айни дамда бу овоз ҳам булбулнинг сайрашига ўхшайди.

Иккинчи қаватта шохларини узатиб турган дарахтга, ундан наридаги ҳовлини ёритиб турган чироққа ва ҳовлида — ишдан кеч қайтган, ул-бул бозорлик кўтарганларга кўзим тушади. Яна ўзимдан мамнун бўламан: «Мана, бизнинг кўшнилари, улар ҳали ким билан девор-дармиён бўлганини билишмайди-да. Ҳа, — дейман, янги тамакини тутатиб, — ҳали бу фақирона кулбада ким-кимлар меҳмон бўлмайди. Ҳали бу эшикдан бўлажак халқ шоирларини халқ ёзувчилари кириб чиқали. Нима бўпти? Шаҳарнинг чеккаси қочиб кетибдими? Қайтанга яна яхшироқ бўлади, шовқиндан холи, уйга келгунча автобусда маза қилиб ҳаёл сурасан, киши.

Тун узун. Айниқса, ширин хаёлларга берилсанг, унинг ҳар бир дақиқаси жаннатнинг мевасидан томаётган ҳаётбахш болга ўхшайди. Сен ётибсан, оғзинг тандирдай очиқ, мевадан эса янгидан-янги режалар, орзулар томаверайди. Уни қийинчиликсиз ютаверасан. Энг ҳайратланарлиси, саккиз йиллик сар-

тилган!
Яна ўрнингдан кўзгалиб, балконга чиқасан, наҳотки, ҳеч ким эйтибор бермас, наҳотки, янги кўшни билан қизиқишмаса. Ярим тунда-я? Саҳнада

ҚўРҚУВ

дунёнинг буюк скрипкачиси Паганини бўлган тақдирда ҳам томошабин бўлма-са, қарсақни ҳаводан ясайсанми? Ёки тўртта девор қарсақ чалавералими?
Ўрнингга қайтасан, яна бахтиёр уйлар, яна фахр, яна ифтихор, яна...
Ниманингдир шитирлашидан уйғониб кетдим, қарасам дераза очиқ қолган, ҳали кўш кўринмайди, аммо кун ёришиб, дарахтларга ранг кириб қолган. Эрталаб анча совуқ бўларкан. Шитирлаган товушни излаб, деразадан пастга

дек ҳаракат қиларди. Ўзидан икки ба-робар келадиган елим идишлар билан тўлган қопага суяниб ўрнидан турди, кийимларини қоққан бўлди, бироқ заррача ўзгариш бўлгани йўқ. Ҳовлидаги қовжирган майсалар унинг қай ҳолда ётганини тасвирлаб турарди; у тахминан, тиззаларини қўллари орасига олиб, гужанак бўлиб ухлаган. У елим идишлар солинган қопнинг бир четидан ушлади-да, елкасига олди, пингвинларча қадам ташлаб, узоқлашди.

Нима қилишимни билмасдим, ёстиқнинг ёнидаги тамакини олиб тутатдим: уйли бўлмай ўл, дедим ўзимга ўзим. Яна жаҳим чикди, деразадан пастга тупурдим. Сўнг, Падарига лаънат! Шу ер ётадиган жойми, бошқа жой қуриганми, бунга?.. Ҳовуриمدан тез тушдим, сен бир бошингга икки хонали уйга қўланка тикканингдан кейин бу шу ерда ётади-да.

Йўқ, бунақаси кетмайди. Анави дарвоқи менинг бахтимнинг арифта қилиш учун атай шу ерда тунаган. Яна қиё ҳам боқмай жўнаганига ўлайми буни. Ҳа, бизда ҳам «яшиқ одам»лар бор, мана биттаси бурнингни тагига келиб ғашга тегди.

Чой тайёрлаётганимда ҳам, кўчага чиққанимда ҳам, автобусда ҳам, ишхонада ҳам ўша нусхани унутолмадим. Баҳорнинг булутидай ёпирилиб келади-да, мени қуршаб турган бахтни чиппака чиқаради...

Орадан кунлар ўтиши билан, бу табиий ҳолга айланиб, энди унинг деразам остида истиқомат қилиши унчалик малол келмай қолди. Ҳатто, ёлғизликдан қийналган пайтларим унинг борлиги ҳам қўл келадиган бўлди.

Фақат унинг ёнига тушиб суҳбат қуролмайман, у эркаланиб кетиши мумкин. Яна айтиб бўладими, қандайдир руҳий бемор бўлса-ю, ташланиб қолса. Йўқ, бу тўғри келмайди.

Кунлар ўтиши билан унинг деразам остида хотиржам яшаши учун уй ичида айрим қонунлар жорий этдим. Буни аёлим ва фарзандларимга ҳам айтишни унутмадим. Яъни:

— Дераздан тамаки қолдиги улоқтирилмасин (бу ўзимга тегишли, албатта)!

— Чой қолдиқлари улоқтирилмасин!

— Деразани очиб баланд оҳангга қулиш қатъиян ман этилади, чунки у ўзини камситилган ҳисоблаши мумкин!

— Энг муҳими, деразадан туфланмасин!

— Янги йил оқшомидан бошқа пайт, болалар қорбобо келишига ишонмасин!

— Ҳар эҳтимолга қарши эшик очиқ қолмасин!

— Бугундан эйтиборан, уйсиз одам ҳам одам саналсин!

Хуллас, бу қоидаларнинг ижроси билан аёлим шуғулланадиган бўлди.

Кундан-кунга, унга боғланиб қолаётганимни англаб қолдим. Агар у кечга қола бошласа, ичимга гулгула тушади ва тинимсиз дераза ёнига боравераман. Худди боласини кутаётган онадай, ичимда қарганаман. Яна чироқ ёруғи яхши тушмаган мева тагига тикламан. У ер қоп-қоронғу, фақат чипор нур тушиб тургани боис, у келса моғор босган латта рангини кўраман, шундан биланманки, у шу ерда.

« Чой тайёрлаётганимда ҳам, кўчага чиққанимда ҳам, автобусда ҳам, ишхонада ҳам ўша нусхани унутолмадим. Баҳорнинг булутидай ёпирилиб келади-да, мени қуршаб турган бахтни чиппака чиқаради... »

Бир кун у тонгача қорасини кўрсатмади. Охири тушиб қарашга ҳам мажбур бўлдим. Йўқ, осмонга учганми, ерга кирганми, йўқ.

Кечқурун ишдан келиб, чойимни ичдим у дераза ёнига югурдим. Бироздан сўнг у пайдо бўлди. Аввал дарахт шохларини бироз кўтариб, тагини пайпаслаб кўрдида, сўнг идраб, алои-тамом бўлган латта-путгаларни тўшаб, катта қоп билан ўзини пана қилганча гужанак бўлиб ётди. Унга шу қадар меҳр билан боқардимки, унинг соғ-саломат қайтганидан ва шундоқ бурниннинг тагига тиззалари орасига қақариб кетган қўлларини солиб ётганидан бахтиёр эдим. Аммо унинг ёнига боролмайман. Мабодо, у эркаланиб кетса-чи? Мабодо, у руҳий ҳаста бўлса-ю, ташланиб қолса-чи...

PS: Худо меҳрибон, Худо ҳар бир бандасини унинг даражасига ва афт-ангорига қарамай севади. У бандаларининг қай ҳолда эканини ва қандай турмуш кечираётганини яхши билади, бироқ у пастга тушолмайди: мабодо, эркаланиб кетса-чи, мабодо, руҳий ҳаста бўлса-ю ташланиб қолса-чи?

Бегали ЭШОНҚУЛОВ

Жамоатчилик назорати

Мақтабда ишлаган кезларимда ҳар кун ишдан қайтар чоғим маҳалламиз қариялари билан суҳбатлашардим. Тўғрироғи, отахонларнинг ўзлари мени суҳбатга чорлашар, оламдаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида гапириб беришимни сўрашарди. Ҳарҳолда қишлоғимизнинг зиёлиларидан эдим-да, шу боис мени кўп нарсалардан хабардор, деб ўйлашган. Очиғи, ўша пайтлар отахонларнинг бу ишончидан ғурурланардим. Уларнинг саволларига жавоб бериш учун ҳар кун, имкон қадар, ўқиб-изланишга ҳаракат қилардим.

Маҳалламиз кўчаларида бугун ҳам ана шундай ҳол такрорланмоқда. Фақат фарқи, энди мен ҳам ёши улуглар сафидаман. Ҳаёт шундай ўтмоқда. Маҳалламиздаги меҳнат

фахрийлари биргаликда савоб ишларга бош бўлишни хоҳлаймиз.

Масалан, тўйдами, маъракадами тўпланиб қолсак, дарров гап қишлоқларимиздаги муам-

Оқсоқолларимиз нималар ҳақида ўйлайди?

молар сари бурилади. Биринчи галда, одамларимиз йўлларнинг нотекислиги, қишда лой, ёзда тупроқ кечишдан қачон қутулиш ҳақида ўйлашади. Қанинди, кўчаларимизга асфальт ётқизилса, деб ният қиламиз. Дорихонанинг йўқлигидан қунонамиз.

Маҳалламиз оқсоқолларининг ёшларни китоб, газета, журнал мутулааси сари бошлашга бўлган ҳаракатларини ниҳоятда қадрлайман. Бу мақсаднинг амалга ошиши эса қишлоқларимизда кутубхона, китоб дўкони бў-

лиши, газета, журналлар сотуви йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Одамларимиз почта хизматидан ҳам мамнун эмас. Эҳтимол, кейинги пайтларда газета ва журналларга обуна бўлишининг сустлашиб қолганига ҳам сабаб шудир, аслида.

Бу йил маҳалламиз ташкил топганига 80 йил тўлди. Утган йиллар давомида бу ерда не-не ажойиб ишлар бажарилмаган дейсиз? Бугун эса қишлоқларимиз ободончилигини, яратилган шароитларни талаб даражасида деб бўлмайди. Балки, бизнинг қишлоқла-

римизни ҳам «Обод қишлоқ» дастурига киритишнинг имкони бўлар. Шунда маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари кўнгилдагидек йўлга қўйилармиди?

Хуллас, маҳалламизда муаммолар кўп. Биз меҳнат фахрийлари ҳар кун шулар ҳақида гаплашамиз, уларни ҳал этиш йўлларини қидирамиз. Бундай муаммолар ечим топилишида, балки газета тахририяти бизга кўмак берар, деган умидда ушбу мақтубни йўллашни маъқул деб топдик.

Баҳром ИСМОИЛОВ,
меҳнат фахрийси,
Оқдарё тумани
«Чорбоғ» маҳалласи



Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

«Пиёда — умринг бўлсин зиёда». Кўчаларда юрганда бу шиорга кўп бор кўзимиз тушган. Умуман, бу шиор замирида ҳозирги кунда ҳам энг долзарб, энг зарур бўлган масалалар ётипти. Нега, дейсизми? Негаки, кейинги пайтларда ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасига жойлардан келатган маълумотларни, кундалик содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиб чиқсак, пиёдалар иштирокида содир бўлаётган турли кўнгилсизликларнинг сони ортиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Бундай ҳодисалар натижасида гуддек умри бевақт ҳазон бўлаётган инсонлар ҳақида кўп гапирилган. Шундай бўлса-да, бу мавзу ҳамон кун тартибидagi энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳамон автомобиль йўлларида пиёдалар гоҳ ҳайдовчиларнинг, гоҳ ўзларининг айби, яъни «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя қилмаслик, ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини кўпол равишда бузиш оқибатида ҳалок бўлмоқда.

Кундалик содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳодисаларнинг ҳар иккитадан битаси пиёда иштирокида содир бўлмоқда. Ачинарлиси, булар орасида норасида болаларнинг, воған етмаганларнинг ҳам борлигидир. Буларнинг аксарияти пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини менсимасдан ёки унга амал қилмасдан, кўпол қоидабузарликлар содир этилиши оқибатида рўй бермоқда. Натижада, ҳар кун, кун ора пиёдалар билан боғлиқ турли кўнгилсизликлар, йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

2019 йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида республикамиз ҳудудида бевосита пиёдаларни уриб юбориш билан боғлиқ 2214 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Оқибатда 513 та пиёда ҳаётдан бевақт кўз юмган. 1784 та пиёда эса турли даражадаги тан жароҳатлари олганини кўрамиз. Айнан, пиёдаларнинг айби билан эса 497 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бу жонсиз рақамлар ортида ин-

сонларнинг ҳаёти турибди.

Шунингдек, йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 226 минг нафарга яқин қоидабузар пиёда аниқланиб, уларга нисбатан тегишли тартибда чора кўрилади. Агар масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳар кун қанчадан-қанча бахтсизликларнинг олди олинаётганига гувоҳ бўламиз.

«Йўл ҳаракати қоидалари»ни дастлаб, пиёдалар манфаатини кўзлаб ишлаб чиқилгани ва амалга жорий этилганини кўрасиз. Йиллар ўтган сари қоидалар такомиллашиб, янги-янги бандлар билан тўлдириб борилди. Уларда пиёдалар учун энгилликлар яратилди. Бироқ кўчаларимизда пиёдалар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар камаймапти. Пиёдалар учун миллион-миллион пул сарфлаб замонавий ер ости ва ер усти ўтиш жойлари, махсус пиёдалар йўлаклари барпо қилинмоқда. Лекин ўз ҳаётини хавфга қўйиб, кўчанинг дуч келган жойидан кесиб ўтаётган пиёдалар ҳам орамизда кўпчилики ташкил этади.

Яна бир ачинарли ҳол. Пиёдалар томонидан содир этилаётган қоидабузарликларнинг олдини олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпгина жойларда йўл чеккаларига панжаралар ўрнатилган. Аммо айрим пиёдалар махсус ер ости ўтиш жойи бўлишига қарамасдан, айнан мана шу панжаралар устидан ошиб ўтмоқда.

Айни кунларда кўчаларимизда транспорт қатнови бирмунча кўпайган. Бу яхши, албатта. Чунки транспортларнинг кўплиги ҳам халқимиз ҳаёти кундан-кунга фаровонлашиб бораётганини кўрсатади. Транспорт воситаларининг



кўпайиши, автомобиль йўлларида турна қатор транспортлар ҳаракатини юзага келтиради. Бу эса кўчанинг дуч келган жойидан кесиб ўтиш нечоғлиқ хавфли экани, ҳар бир дақиқа ичида бирор кўнгилсизлик келиб чиқиши мумкинлигини англатади. Бироқ айрим пиёдалар бу нарсани тушунишни

Ҳушёр бўлинг, пиёда!

« Яна бир ачинарли ҳол. Пиёдалар томонидан содир этилаётган қоидабузарликларнинг олдини олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпгина жойларда йўл чеккаларига панжаралар ўрнатилган. Лекин айрим пиёдалар махсус ер ости ўтиш жойи бўлишига қарамасдан, айнан мана шу панжаралар устидан ошиб ўтмоқда. Улар орасида ичида ёшлар ҳам, кексалар ҳам ва ҳатто аёллар ҳам борлиги кишини ўйлантиради. Уларни тартибга чақирсангиз хафа ҳам бўлишади. »



исташмапти. Улар учун юқори тезликдаги автомобиль ҳам, йўл ҳаракати қоидалари ҳам аҳамиятсиздек. Келинг, шу ўринда мисолларга мурожаат қилайлик:

2019 йил 13 август кунини соат 20:30 ларда Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида ҳайдовчи А.В. ўзининг «Капитива» русумли автомобилни бошқараётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда Қ.Х.ни уриб юборган. Натижада пиёда Қ.Х. оғир даражада тан жароҳати олиб касалхонада вафот этган. Яна бир мисол, 2019 йил 12 июн кунини соат 19:10 ларда Самарқанд вилояти Жомбой туманида ҳайдовчи Ш.С. «Кобальт»да йўлни кесиб ўтаётган пиёда Жомбой туманида яшаган Д.Т.ни уриб юборган. Натижада, пиёда Д.Т.

олган тан жароҳати туфайли касалхонада вафот этган. 2019 йил 12 сентябрь кунини соат 03:30 ларда Қашқадарё вилояти Қамаш туманида Яккабоғ туманида яшовчи ҳайдовчи О.М. ўзига тегишли «Нексия»ни бошқараётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда Қамаш туманида яшаган Р.С.ни уриб юборган. Натижада пиёда Р.С. воқеа жойида ҳалок бўлган.

Юқорида айтганимиздек, бахтсизликка учраётган пиёдаларимизнинг аксариятини ёш болалар ташкил этаётгани ҳам аянчли. Болалар йўлнинг бел-

гиланмаган жойидан кесиб ўтиш, катта кўча ёқаларида ўйнаш, автомобиль йўлларида велосипед учиш вақтида йўл-транспорт ҳодисаларига учрапти. Мисол учун, 2019 йил 10 август кунини соат 23:00 да Сурхондарё вилояти Узун туманида ҳайдовчи А.К. «Нексия» русумли автомобилни бошқараётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда Узун туманида яшовчи 2015 йилда туғилган П.И.ни уриб юборган. Натижада пиёда П.И. касалхонага ётқизилган. 2019 йил 11 август кунини соат 12:00 ларда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ҳайдовчи Р.С. ўзига тегишли «Нексия»да йўлни кесиб ўтаётган пиёда Олтиариқ туманида яшовчи 2007 йилда туғилган Ш.О.ни уриб юборган. Натижада пиёда тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган. Бундай ҳодисаларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бунини эшитишингиз ўзиёқ, юракни ларзага солади.

Ахир шу ҳодисалар бўлмаслиги мумкин эди-ку?! Ҳа, мумкин эди. Бунинг учун барчамиз — хоҳ пиёда, хоҳ ҳайдовчи бўлсин, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишимиз, ҳаракат хавфсизлигининг олдий, лекин ҳаёт учун муҳим бўлган шартларига риоя қилишимиз, ён-атрофимиздагилар, фарзандларимизни ҳам шунга ўргатиб боришимиз зарур.

Азизхон МУРОДОВ,
ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси
Матбуот хизмати
инспектори

Б-ҲАВО	
20 сентябрь	+35°C / +18°C
21 сентябрь	+35°C / +20°C
22 сентябрь	+37°C / +17°C
23 сентябрь	+30°C / +18°C
24 сентябрь	+27°C / +15°C
25 сентябрь	+30°C / +18°C
26 сентябрь	+34°C / +20°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фукарolik жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Махалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фукарolik жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир ҳайъати:
Рустам Қомиллов
Рустам Қосимов
Борий Алихоннов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-914 Адади: 1402.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок, Баҳоиси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Баҳринисо Мадумарова

Дизайнер: Бегали Эшонқуллов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА якуни:
Топширилган вақти: 17.35
1 2 3 4 5



Тошкентда илк марта жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар мажмуасида «Tashkent Book Fest» халқаро китоб-кўргазма ярмаркаси ўтказилади.